

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИ ВА БАҲОЛАШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340707 – “Банк аудит” магистратура
мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчилар: доц. Махмудов А.Н.
к. ўқ. Боқиева Х.А.
к. ўқ. Розиков Ж.

Такризчилар: доц. Ибрагимов А.К.
доц. Хасанов Б.А.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инвестиция компанияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини юритиш зарурияти юзага келди.

"Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанини ўқитиш бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит мутахассисларини тайёрлаш талаблари асосида олиб борилди. Фанни ўрганишдан пировард мақсад бўлғуси мутахассисларда инвестиция компанияларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича мустақкам назарий билимларни, амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда шу соҳага доир янгиликлар билан яқиндан таништиришдир.

В условиях перехода на рыночную экономику появилась необходимость в организации и деятельности инвестиционных компаний.

Преподавание дисциплины **"Аудит и оценка инвестиций"** исходит из необходимости базовой подготовки специалистов в области бухгалтерского учёта, анализа и аудита. Конечной целью изучения дисциплины является формирование у будущих специалистов твердых теоретических знаний и практических навыков по бухгалтерскому учёту и аудиту в инвестиционных компаниях, а также ознакомление с соответствующими новостями данной сферы.

In conditions of transition toward market economy the necessity of investment companies organization and their activity has appeared. Teaching "Auditing and investment evaluation" issues from the necessity of personnel training for accounting, analysis and auditing majors. The final goal of studying is developing deep theoretical background and practical skills of future majors in accounting and investment companies auditing.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этк.лган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" Фармонида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар асосида ҳар бир ўқитилаётган фанлар учун дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида изчил ислохотларнинг амалга оширилиши, янги мулк шакллари, шу жумладан, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши сабабли бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам туб ўзгаришлар қилиш зарурияти туғилди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётимизнинг саноат ишлаб чиқариши билан бир қаторда туб негизини ташкил этувчи соҳаларда ҳам ўз самарасини

бермоқда. Хусусан, кишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва транспорт тармоқларида бошқарувни самарали ташкил этиш учун улардан олинаётган маълумотларни ишончлилигини таъминлашда инвестициялар аудитининг вазифаси бениҳоя каттадир.

Ўқув режасига мувофиқ "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанини ўқиш "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши бўйича мутахассислар иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларидаги, яъни кишлоқ хўжалиги (аграр соҳа), қурилиш, савдо ва транспорт соҳаларидаги инвестициялар аудитини ташкил қилиш, уни юритишда ўзига хос томонларини ва хусусиятларини ўрганадилар. Улардаги маблағлар ва маблағларни ташкил этиш манбаларини ҳаракатини ҳужжатлаштириш тартибини, молиявий натижаларини шакллантириш ва ҳисоботларни тузиш бўйича амалдаги. Қонун ва қарорлардан ҳамда меъёрий ҳужжатлардан фойдаланади. Шу билан бирга бухгалтер ва аудиторлар иқтисодий вазиятларида тез ва хатосиз мўлжал олиш, бозор иқтисодиётининг тенденцияларини тушунишлари зарур.

Магистрантлар ўқув дастурига мувофиқ асосий йўналишда фан сифатида "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанини чуқур ўрганадилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналарда инвестиция аудитини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва юритишни ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Бу фанни ўрганишда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асос қилиб олинади, шунингдек, фанни ўрганишда ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қарор ва қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий адабиётлардан кенг фойдаланади.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур йўналишда ўқийдиган магистрантлар "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фани бўйича чуқур билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қуйидагиларни мкамал билишлари зарур:

- инвестиция компаниялари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни;
- ҳисоб ва аудитни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини;
- ички ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этилиши зарур бўлган молиявий ахборот тизимини;
- инвестиция компаниялари молиявий ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисидаги аудиторлик хулосасини тузиб фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини.
- "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит"нинг тамойиллари ва услублари бўйича эгалланган билимлар тизимидан аниқ амалий вазифаларни бажаришда фойдаланишни;
- инвестиция компанияларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш;
- ахборот базасидан аудиторлар фойдаланиши мумкин бўлган, самарали ички аудиторлик тизимини ташкил этишни;
- ташқи тизим, шунингдек ички тизим корхоналарига тақдим этиладиган молиявий ахборотларнинг инвестиция ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги муҳим ўрнини;
- инвестиция компанияларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳисоб ва аудитга таъсир этувчи ўзига хос хусусиятларини.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Фанни ўрганиш қўйидаги фанлар бўйича билимга эга бўлишни тақозо этади:

- Фанларнинг фалсафий масалалари;
- Илмий ижодиёт методологияси;
- Амалий чет тили;
- Ахборот технологиялари;
- Таълим менежменти ва иқтисодиёти;
- Махсус фанларни ўқитишни методикаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Бошқарув ҳисоби-2;
- Амалий аудит;
- Молиявий таҳлил-2;
- Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби;
- Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби;
- Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти;
- Давлат молиясини бошқариш;
- Ҳозирги замон давлат сиёсатининг долзарб муаммолари ва бошқа фанлар замонавий усулларда компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўрганилади.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Магистрантларга замонавий усулда "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанини ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолашда қўйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни аввалдан тарқатма ўқув материаллари билан таъминлаш;
- таянч ибораларни ишлаб чиқишда уларнинг магистрантлар томонидан мукамал ўзлаштирилишига эришиш;
- амалий машғулотларда ҳар бир тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш ўйинларини ўтказиш;
- иқтидорли магистрантлар билан қўшимча дарслар ташкил этиш;
- магистрантлар билимларини ўзлари баҳолашлари ва мустақил ишлашлари учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Инвестиция аудити ва баҳолаш" фани иккинчи курснинг учинчи семестрида ўқитиб, унда инвестициялар аудити ва уларни баҳолашга доир тушунча ҳамда қоидалар ўргатилади. Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда амалга оширилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун магистрантларга уй вазифалари берилади Уларнинг олган билимларини назорат қилишда тест-синов усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Олий касб таълимининг давлат стандартларида "Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанига жами 60, шундан, маъруза - 20 амалий машғулот - 20, мустақил таълим - 20 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг мазмуни

Инвестициялар ҳақида тушунча ва инвестициялар бозорининг иштирокчилари

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари" тўғрисидаги Қонуни. "Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, Қонуни. Инвестиция тушунчаси. Унинг мазмуни ва моҳияти. *Инвестициялар турлари ва шакллари.* Инвестициялар бозорининг таркибий қисмлари.

Инвестиция компанияларининг турлари ва шакллари

Инвестиция компаниялари тўғрисида тушунча. Молиявий воситачи туридаги инвестиция компанияси. Инвестицияларнинг маблағларини жалб қилиш, уларга акция ва облигация каби молиявий активларни харид қилиш. Инвестиция компанияларининг турлари. Инвестиция трастларига бирлашиш. *Инвестиция компанияларининг бошқарувчилари.*

Бирлашган инвестиция трасти - директорлар маслаҳат кенгаши ва портфель бошқарувчисига эга бўлмаган, ўзи амал қилган барча вақт давомида белгиланган миқдор ва таркибда қимматли қоғозлар портфелига эгаллик қилувчи инвестиция компанияси.

Инвестиция компанияларининг бошқарувчилари корпорация ёки траст шаклида ташкил этилган бўлса, улар директорлар маслаҳати кенгашига ёки акционерлар сайлаб ишонч билдирилган шахсга эга бўлади.

Инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат бериш тартиби ҳамда уларни қимматли қоғозлар бозорида фаолият турлари бўйича туркумлаш

Инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат бериш тартиби:

- акциялар эмиссияси;
- устав капиталини тўлаш манбалари;
- *қимматли қоғозлар бозорида инвестиция компанияларининг айрим фаолият турлари тартиби ва уларни тузиш;*
- брокерлик фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, брокерлик фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- дилерлик фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, дилерлик фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- жисмоний шахслар билан бўладиган брокерлик операциялари, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, жисмоний шахслар билан бўладиган брокерлик операцияларида фойдани шакллантириш манбалари;
- қимматли қоғозлар бўйича бошқарув фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, қимматли қоғозлар бўйича бошқарув фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- клиринг фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, клиринг фаолиятидан олинган фойда;
- депозитли фаолият, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, депозитли фаолиятда фойдани шакллантириш манбалари;
- қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини юритиш бўйича фаолиятда фойдани шакллантириш манбалари.

Инвестиция компанияларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Устав капитали ва инвестиция компаниялари томонидан муомалага чиқарилган акциялар бўйича дивидендлар ҳисоби. Компанияларнинг тўланган ва тўланмаган акциялари ҳисоби.

Инвестиция компаниялари томонидан акцияларни сотишда юзага келган эмиссия даромадларини ҳисобга олиш.

Инвестиция компаниясига тегишли бўлган акциялари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳисоби.

Қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар ҳисоби.

Қисқа муддатли купонсиз давлат облигацияларига қўйилмалар ҳисоби ва уларни қайта баҳолаш.

Инвестиция компанияларида харажатларнинг юзага келиши хусусиятлари ва унинг ҳисоби.

Қимматли қоғозлар қийматига қўшилувчи, инвестиция компаниялари харажатлари таркибининг хусусиятлари:

- қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозларни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш қиймати орасидаги салбий фарқ;
- қимматли қоғозларга обуна бўлиш ва муомалага чиқариш бўйича маслаҳат харажати;
- дилерлик хизмати;
- брокерлик хизмати;
- муомалада юзага келувчи бошқа харажатлар.

Қимматли қоғозларни баҳолаш ва инвентаризация қилиш тартиби

Қимматли қоғозларни баҳолаш турлари: бозор қиймати, номинал қиймати, эмиссия қиймати, баланс қиймати, ҳисобдан чиқариш қиймати, кафолат қиймати, истеъмол қиймати.

Қимматли қоғозлар инвентаризацияси тушунчаси ва уни ўтказиш тартиби.

Инвестиция компанияларида акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби

Инвестиция компанияларида акция ва облигацияларнинг ҳисоби.

Инвестиция компаниялари ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва уларнинг номинал қиймати орасидаги фарқни аниқлаб, бу фарқларни компаниянинг фойда ва зарар ҳисобварақларида акс эттириш тартиби.

Инвестиция компанияларининг бошқа даромадлари, шунингдек, акция ва облигациялардан олинadиган даромадлар ҳисоби.

Инвестиция компаниялари томонидан қимматли қоғозларни сотиш операцияларининг ҳисоби.

Қимматли қоғозларни сотишда тўланган коммиссион харажатлари ва воситачиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.

Сотиладиган қимматли қоғозларнинг ҳисоб қийматини аниқлаш усуллари ФИФО, ЛИФО ва ўртача баҳолаш усуллари.

Инвестиция компанияларида харажатлар ҳисоби.

Инвестиция компанияларининг номоддий активларига тегишли харажатларни ҳисобга олиш.

Бошқарув, депозитарий ва аудит компанияларининг хизмати учун тўлов харажатларининг ҳисоби.

Таннархга кирувчи харажатлар таркибининг инвестиция компанияларида ўзига хос хусусиятлари.

Инвестиция компанияларининг молиявий натижаларини шакллантириш.

Қимматли қоғозларга қўйилган қўйилмаларнинг қадрсизланишини қопловчи ресурсларни тузиш

Компанияларда инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби ва тузилиши.

Қимматли қоғозлар котировкаси ҳақида тушунча. Қимматли қоғозларга қўйилган қўйилмаларнинг қадрсизланишини қопловчи резервларни шакллантириш. Қимматли қоғозлар бозор қийматининг ошиши. Қимматли қоғозларнинг баланс қийматини қайта баҳолаш.

Инвестиция компанияларида аудиторлик текширувининг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий субъектлар молиявий қўйилмаларининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш услублари, молиявий қўйилмаларнинг турлари, уларни текширишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Инвестиция компаниялари депозитарияларида ҳисобни ташкил этиш ва олиб бориш қоидаларига риоя қилишининг аудиторлик текшируви.* Инвестиция компаниясида харажатларнинг тўғри шакллантирилганлигини, компанияни ташкил этиш харажатлари ва бошқарувчининг хизмати учун тўловларни белгиланган меъёردа инвестиция компаниясининг фаолият харажатларига олиб борилганлигини текшириш. Компаниянинг бошқарувчиси ва депозитария билан ҳисоблашишларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва олиб борилганлигини текшириш.

Депозитариянинг ҳисоботини текшириш.

Бошқарувчининг ҳисоботини текшириш.

Қимматли қоғозлар баланс қийматининг тўғри акс этирилганлигини текшириш.

Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати ва котировка қилинадиган қимматли қоғозларнинг белгилари.

Қимматли қоғозларни дискка кўчириш.

Қимматли қоғозларнинг баҳоланишини текшириш.

Инвестиция компанияси молия қўйилмаларининг қонунийлигини текшириш.

Қимматли қоғозларни сотиш қиймати ва унинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини текшириш.

Компания фаолиятида молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланишини текшириш.

Компания акционерлари билан ҳисоблашишларнинг тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш.

Инвестиция компанияларида устав капиталининг шаклланиши ва қимматли қоғозлар билан бўладиган ички операцияларнинг аудиторлик текшируви

Инвестиция компанияси устав капиталининг тўланишини текшириш.

Таъсис ҳужжатлари ва унга компания фаолиятининг ҳақиқатда мос келишини текшириш.

Депозитар шартномалар, шунингдек қимматли қоғозларни сотиб олиш шартномалари битимининг бажарилишини таҳлил қилиш.

Қимматли қоғозларни ва облигацияларни муомалага чиқариш бўйича бухгалтерия муомалаларини тўғрилиги ва ишончлилигига риоя қилиш.

Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзувларининг тўғри тузилганлиги аудити.

Дастлабки ҳужжатлардаги ёзувларнинг 8-сонли журналда "Таъсисчилар билан ҳисоблашиш" ҳисобварақлари ва Бош китобдаги ёзувларга мослигини таққослаш.

Қимматли қоғозлар билан акционерларга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича муомалаларни амалга оширишнинг аудиторлик текшируви.

Қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш муомалаларини текшириш.

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва уни рўйхатга олиш аудити.

Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш жараёнининг умумий талабларга риоя қилиш аудити.

Қимматли қоғозларнинг даромадлилигини баҳолаш.

Акционерларга дивидендларнинг ҳисобланиши ва тўланишини текшириш.

Инвестиция компаниялари молиявий аҳволининг аудиторлик текшируви.

Компаниянинг молиявий қўйилмалари бўйича дивиденд, фоиз, шунингдек бошқа кўринишдаги даромадларини текшириш.

Активларни реализация қилишдан олиб, компания фаолияти билан боғлиқ тегишли харажатларга камайтирилган молиявий натижаларни текшириш.

Ижобий ва салбий курс фарқларининг аудити.

Сотилган ва сотиб олинган баҳо орасидаги фарқ кўринишида олинган даромадлари аудити.

Олинган ва тўланган жарималар аудити.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Инвестициялар ҳақида тушунча ва инвестициялар бозорининг иштирокчилари

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция тушунчаси. Унинг мазмуни ва моҳияти. Инвестицион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Инвестициялар турлари ва шакллари. Реал, молиявий ва интеллектуал инвестициялар.* Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий инвестициялар. Инвестициялар бозорининг таркибий қисмлари.

Инвестиция компаниялари тўғрисида тушунча, уларнинг турлари ва шакллари

Инвестиция бозорининг қатнашчилари тўғрисида тушунча. Инвестиция компанияларининг инвестициялар бозорида тутган ўрни. Молиявий воситачи туридаги инвестиция компанияси. Инвестицияларнинг маблағларини жалб қилиш, уларга акция ва облигация каби молиявий активларни харид қилиш.*

Инвестиция компанияларининг турлари. Инвестиция трастларига бирлашиш. Инвестиция компанияларининг бошқарувчилари.

Бирлашган инвестиция трасти-директорлар маслаҳат кенгашига ва портфель бошқарувчисига эга бўлмаган, ўзи амал қилган барча вақт давомида белгиланган миқдор ва таркибда қимматли қоғозлар портфелига эгалик қилувчи инвестиция компанияси.

Инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат бериш тартиби ҳамда уларни қимматли қоғозлар бозорида фаолият турлари бўйича туркумлаш

Инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат беришнинг ҳуқуқий асослари. Хорижий мамлакатларда инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат бериш тажрибаси.

*Инвестиция компанияларини тузиш ва фаолиятига рухсат беришнинг тартиби:

- акциялар эмиссияси;
- устав капиталини тўлаш манбалари;
- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция компанияларининг айрим фаолият турлари тартиби ва уларни тузиш;
- брокерлик фаолияти, тузиш ва фаолиятига рухсат бериш тартиби, брокерлик фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- дилерлик фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, дилерлик фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- жисмоний шахслар билан бўладиган брокерлик операциялари, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, жисмоний шахслар билан бўладиган брокерлик операцияларида фойдани шакллантириш манбалари;
- қимматли қоғозлар бўйича бошқарув фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, қимматли қоғозлар бўйича бошқарув фаолиятида фойдани шакллантириш манбалари;
- клиринг фаолияти, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, клиринг фаолиятидан олинган фойда;
- депозитли фаолият, тузиш ва фаолиятга рухсат бериш тартиби, депозитли фаолиятда фойдани шакллантириш манбалари;
- қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини юритиш бўйича фаолиятда фойдани шакллантириш манбаалари.

Инвестиция компанияларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Инвестиция компанияларида бухгалтерия ҳисобини юрнителининг аҳамияти ва мақсади. Инвестиция компанияларида қўлланиладиган ҳисоб тамойиллари ва усуллари.

Инвестиция компанияларида устав капитални ҳисобини ташкил қилиш. Устав капитални ва инвестиция компаниялари томонидан муомалага чиқарилган акциялар бўйича дивидендлар ҳисоби. Компанияларнинг тўланган ва тўланмаган акцияларининг ҳисоби.

Инвестиция компаниялари томонидан акцияларни сотишда юзага келган эмиссия даромадларини ҳисобга олиш. Инвестиция компаниялари томонидан ўз акцияларини сотиб олиш бўйича операциялар ҳисоби.* Инвестиция компаниясига тегишли бўлган акциялари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳисоби.

Қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар ҳисоби. Компаниянинг акцияларга молиявий қўйилмалари ва қарзли мажбуриятлари ҳисоби. Қисқа муддатли купонсиз давлат облигацияларига қўйилмалар ҳисоби ва уларни қайта баҳолаш.

Инвестиция компанияларида харажатларнинг юзага келиши хусусиятлари ва унинг ҳисоби

Инвестиция компанияларида харажатлар таркиби. Уларнинг турлари. Инвестиция компанияларида харажатларни юзага келиш хусусиятлари. Инвестиция компанияларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ харажатлар ҳисоби.*

Қимматли қоғозлар қийматида қўшилувчи, инвестиция компаниялари харажатлари таркибининг хусусиятлари:

- қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозларни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш қиймати орасидаги салбий фарқ;
- қимматли қоғозларга обуна бўлиш ва муомалага чиқариш бўйича маслаҳат харажати;

- дилерлик хизмати;
- брокерлик хизмати;
- муомалада юзага келувчи бошқа харажатлар.

Қимматли қоғозларни баҳолаш ва инвентаризация қилиш тартиби

Қимматли қоғозларни баҳолаш хусусиятлари. Қимматли қоғозларни баҳолашда "Молиявий инвентициялар ҳисоби" номли 12-сон БХМАнинг қўлланилиш доираси. Қимматли қоғозларни баҳолаш турлари: бозор қиймати, номинал қиймати, эмиссия қиймати, баланс қиймати, ҳисобдан чиқариш қиймати, кафолат қиймати, истеъмол қиймати.*

Қимматли қоғозлар инвентаризация тушунчаси. Инвентаризацияни ўтказишнинг доимий ва ишчи комиссияси тўғрисида тушунча, унинг вазифалари. Қимматли қоғозларни инвентаризация қилиш муддати ва даври. Инвентаризация натижаларини умумлаштириш.

Инвестиция компанияларида акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби

Инвестиция компанияларида акция ва облигацияларнинг ҳисоби.

Инвестиция компаниялари ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва уларнинг номинал қиймати орасидаги фарқни аниқлаб, бу фарқларни компаниянинг фойда ва зарар счётларида акс эттириш тартиби.*

Инвестиция компанияларининг бошқа даромадлари, шунингдек, акция ва облигациялардан олинган даромадлар ҳисоби.

Инвестиция компаниялари томонидан қимматли қоғозларни сотиш операцияларининг ҳисоби.

Қимматли қоғозларни сотишда тўланган коммиссион харажатлари ва воситачиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.

Сотилган қимматли қоғозларнинг ҳисоб қийматини аниқлаш усуллари ФИФО, ЛИФО ва ўртача баҳолаш усуллари.

Инвестиция компанияларида харажатлар ҳисоби.

Инвестиция компанияларининг номоддий активларига тегишли харажатларни ҳисобга олиш.

Бошқарув, депозитария ва аудит компанияларининг хизмати учун тўлов харажатларининг ҳисоби.

Таннархга кирувчи харажатлар таркибининг инвестиция компанияларида ўзига хос хусусиятлари.

Инвестиция компанияларининг молиявий натижаларини шакллантириш.

Қимматли қоғозларга қўйилган қўйилмаларнинг қадрсизланишини қопловчи ресурсларни тузиш

Компанияларда инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби ва тузилиши. Қимматли қоғозларни котировкаси ҳақида тушунча.* Қимматли қоғозларга қўйилган қўйилмаларнинг қадрсизланишини қопловчи резервларни шакллантириш. Қимматли қоғозлар бозор қийматининг ошиши Қимматли қоғозларнинг баланс қийматини қайта баҳолаш.

Инвестиция компанияларида аудиторлик текширувнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий субъектлар молиявий қўйилмаларининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш услублари, молиявий қўйилмаларнинг турлари, уларни текширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Инвестиция компаниялари депозитарияларида ҳисобни ташкил этиш ва олиб бориш қоидаларига риоя қилишининг аудиторлик текшируви. Инвестиция компаниясида харажатларнинг тўғри шакллантирилганлигини, компанияни ташкил этиш харажатлари ва бошқарувчининг хизмати учун тўловларни белгиланган меъёردа инвестиция компаниясининг фаолият харажатларига олиб борилганлигини текшириш.*

Компаниянинг бошқарувчиси ва депозитария билан ҳисоблашишларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва олиб борилганлигини текшириш.

Депозитариянинг ҳисоботини текшириш*.

Бошқарувчининг ҳисоботини текшириш*.

Қимматли қоғозлар баланс қийматининг тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати ва котировка қилинадиган қимматли қоғозларнинг белгилари.

Қимматли қоғозларни дискка кўчириш.

Қимматли қоғозларнинг баҳоланишини текшириш.

Инвестиция компанияси молия қўйилмаларининг қонунийлигини текшириш*.

Қимматли қоғозларни сотиш қиймати ва унинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Компания фаолиятида- молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланишини текшириш.

Компания акционерлари билан ҳисоблашишларнинг тўғри, тўлиқ, ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш.

Инвестиция компанияларида устав капиталини шаклланиши ва қимматли қоғозлар билан бўладигай ички операцияларнинг аудиторлик текшируви.

Инвестиция компанияси устав капиталининг тўланишини текшириш*.

Таъсис ҳужжатлари ва унга компания фаолиятини ҳақиқатда мос келишини текшириш.

Депозитар шартномалар*, шунингдек қимматли қоғозларни сотиб олиш шартномалари битимининг бажарилишини таҳлил қилиш.

Қимматли қоғозларни ва облигацияларни муомалага чиқариш бўйича бухгалтерия муомилаларини тўғрилигини ва ишончлилигига риоя қилиш.

Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзувларининг тўғри тузилганлиги аудити.

Дастлабки ҳужжатлардаги ёзувларнинг 8-сонли журналда "Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар" ҳисобварақлари ва Бош китобдаги ёзувларга мослигини таққослаш.

Қимматли қоғозлар билан, акционерларга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича муомалаларни амалга оширишнинг аудиторлик текшируви.

Компания қимматли қоғозлар бозоридаги муомалаларга қатнашиши.

Қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш муомалаларини текшириш*.

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва уни рўйхатга олишнинг аудити.

Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш жараёни умумий талабларига риоя қилишнинг аудити.

Қимматли қоғозларнинг даромадлилигини баҳолаш.

Акционерларга дивидендларнинг ҳисобланиши ва тўланишини текшириш*.

Инвестиция компаниялари молиявий аҳволининг аудиторлик текшируви.

Компаниянинг молиявий қўйилмалари бўйича дивиденд ва фоиз кўринишида, шунингдек бошқа кўринишдаги даромадларини текшириш.

Активларни реализация қилишдан олиниб, компания фаолияти билан боғлиқ тегишли харажатларга камайтирилган молиявий натижаларни текшириш*.

Ижобий ва салбий курс фарқларининг аудити.

Сотилган ва сотиб олинган баҳо орасидаги фарқ кўринишида олинган даромадларининг аудити*.

Олинган ва тўланган жарималар аудити.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Инвестиция аудити ва баҳолаш ҳисобининг хусусиятлари фанини ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил тизимга асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида ўқув режасига мувофиқ ўрганадилар. Мустақил таълим олишдан назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мавзулар бўйича аудиторияда ва уйда рефератлар ёзадилар, мавзулар бўйича тестларни ечадилар. Мустақил таълим олиш учун магистрантларга кафедра ўқитувчилари томонидан мавзулар берилади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ўрганиш билан бирга хўжалик юритувчи субъектларнинг материалларидан фойдаланиб, малакавий иш ёзилади.

"Инвестиция аудити ва баҳолаш" фанини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида ушбу фан бўйича қўлланиладиган турли шакл, чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантлар «Инвестиция аудити ва баҳолаш» фанини ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан ҳам фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва почталар мавжуд:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)
5. <http://www.aispa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)
6. www.gov.uz.fia -чет эл инвестицияларининг агентлиги
7. www.uzse.com Ўзбекистан фонд биржаси.
8. www.alm.uz. -фонд биржаси ахборот таҳлил маркази.
10. www.cer.uz. -иқтисодий изланишлар маркази.
11. www.referat.uz. -рефератлар тўплами.

Шунингдек, магистрантлар республикамізда чоп этилган газета ва журналлардан фойдаланадилар.

4.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда амалга ошириладм:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ);

ЖБ ҳамда ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатларнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедранинг қарори билан мавзу мураккаблиги ва зарурийлигига қараб, қуйидаги мезонлар бўйича тақсимланади:

- магистрантнинг ўқув жараёнида давомати ва фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспеклаштириш;

- долзарб мавзуларда рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар (мақолалар) тайёрлаш, илмий услубий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиётга ва изланиш натижаларига аннотациялар ёзиш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаш;
- фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича магистрантларнинг, назарий билимларини баҳолаш.

Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 60 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 24, оралиқ баҳолашга 18 ва якуний баҳолашга 18 балл ажратилган. Ёзма иш вариантлари тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "ёзма иш" натижалари қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 фоиздан 100 фоизгача - «аъло»;
- 71 фоиздан 85 фоизгача - «яхши»;
- 55 фоиздан 70 фоизгача - «қониқарли».

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги Қонуни 1993 йил 2 сентябрь, ўзгартириш ва қўшимчалар 1994 йил 23-сентябрь, 1996 йил 22 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 1994 йил 5 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, 1996 й. 30 август. // Халқ сўзи.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. 2000 йил 26 май. Янги таҳрир.
5. Каримов. И. А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. // Ватанпарвар, 2001 йил 20 февраль.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
8. Белых Л.П. Финансовый анализ в оценке инвестиционной привлекательности предприятий. // Бухгалтерский учёт, № 10, 1999.
9. Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита. Москва - 1998.

Қўшимча адабиётлар

1. Емельянов А.М. Общий аудит. -М.: Финансы и статистика, 1997.
2. Иткин. Ю.М., Сотволдиев А.С. Бухгалтерский учёт в условиях рыночной экономики Узбекистана. -Т.: 1997. 1-часть.
3. Иткин. Ю.М., Сотволдиев А.С. Бухгалтерский учёт в условиях рыночной экономики Узбекистана. -Т.: 1997. 2-часть.
4. Ковалев В.В. Финансовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций. Анализ отчетности. 2-е издание, перераб., доп. -М.: Финансы и статистика, 1998.
5. Одольский В.И. Поляк К. и др. Аудит. -М.: ЮНИТИ, 1997.

6. Савенков А. Ценные бумаги в Узбекистане. -Т.: 1998.